O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 18 июнь, № 119 (4529) Чоршанба

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



*Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли янгидан-янги корхоналар ташкил этилмоқда. Эътиборлиси, уларда бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жаҳон андозаларига мос тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.*

**Саноат**

Бу ютуқларга ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилаётгани, шунингдек, ҳамкорлар билан тенг манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги туфайли эришилмоқда.

Фарғона туманидаги "Водил ипак йигирув" шўъба корхонасида юқори сифатли, халқаро талабларга мос ипак ишлаб чиқарилмоқда. Гап шундаки, ушбу корхона иқтисодий таназзулга учрагач, тегишли тартибда маҳаллий инвесторлар ихтиёрига берилди. Улар томонидан бино ва дастгоҳларни таъмирлашга 150 млн. сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Натижада маҳаллий ёшлардан 94 нафари иш билан таъминланди. Устувор режага кўра, жорий йил охирига қадар корхонага хорижий технологиялар келтириш ва уни тўла қувват билан ишга тушириш кўзда тутилган. Бу мақсад амалга оширилгач, яна 200 нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлади.

Йигирувчи Маҳлиё Исмоилова (суратда) — корхонанинг илғор ишчиларидан бири. У меҳнати маҳсулидан мамнун.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан



***Бугун мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Юқори палатанинг навбатдаги ўн тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида айнан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир қонуннинг борлиги фикримизга яққол мисолдир. Мухбиримизнинг сенатор Фарида АБДУРАҲИМОВА билан суҳбати айни шу қонун хусусида бўлди.***

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

— "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қуйи палата томонидан 2008 йил 22 апрелда қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун жорий йилнинг 1 майида Сенатга келиб тушган, — деди сенатор. — Аслида, мазкур ҳужжатни амалдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири сифатида баҳолаш мумкин. У саккиз боб ва ўттиз олти моддадан иборат. Ваҳоланки, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун тўрт бўлим ва қирқ моддадан таркиб топган эди.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашда манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, Қонун нормаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар талабларига мувофиқлаштириш мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мақсадидир.

**— Амалдаги Қонун нормаларининг халқаро қоидалар билан уйғунлаштирилишини таъкидлаб ўтдингиз. Аниқроқ қилиб айтганда, қайси халқаро ҳужжатлар ва уларнинг қандай нормаларини мувофиқлаштириш кўзда тутилган?**

— Янги таҳрирдаги Қонунда, аввало, "ногирон" тушунчаси кенгроқ талқин қилиниб, у БМТ томонидан 2006 йилда қабул қилинган Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларига мослаштирилмоқда. Амалдаги Қонунга кўра, "ногирон" деганда ақлий ёки жисмоний нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс тушунилади. Янги таҳрирдаги Қонунда эса, "ногирон" тушунчаси қўшимча равишда руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги каби ижтимоий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахс ногирон ҳисобланиши аниқлаштириб қўйилмоқда.

Шунингдек, БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, ногирон болалар учун назарда тутилган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг аниқ йўналтирилганлиги, бошқача қилиб айтганда, манзиллилигини кучайтириш мақсадида Қонунга

(Давоми 2-бетда).

***Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида Ўзбекистоннинг сармоявий ва иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, Кортрейк билан Тошкент ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган бўлиб, 2000 йилда бу ерда буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳайкали очилган эди.***

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Дунё нигоҳи**

Юртимизнинг Бельгиядаги элчихонаси, Ғарбий Фландрия савдо-саноат палатаси ҳамда Кортрейк мэрлиги ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда Фландрия минтақаси ишбилармонлари, олим ва экспертлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда, Бельгиянинг қатор фирма ва компаниялари, тармоқ уюшмалари ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Тақдимот давомида бельгияликлар эътиборига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, хорижий тадбиркорлар ва сармоядорлар фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақидаги ахборотлар ҳавола этилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Бельгия жамоатчилиги ва ишбилармонлари орасида юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ва ҳар томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун жозибали мамлакат сифатида танилганини таъкидладилар.

Ғарбий Фландрия савдо-саноат палатаси раиси Ж. Либеер бу хусусда гапириб, Бельгиянинг қатор ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қилаётганини, кўплаб бошқа компаниялар эса Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишни режалаштираётганини қайд этди.

Тадбир давомида Бельгия компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан алоқаларни янада фаоллаштириш борасидаги режалари билан ўртоқлашди. Жумладан, тўқимачилик жиҳозларини етказиб бериш билан шуғулланувчи «Van De Wiele» компанияси менежери Люк Коенеграхтнинг айтишича, унинг компанияси юртимизда бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаётган бўлиб, республикада хорижий бизнес вакиллари учун яратилган шарт-шароит ва қулай сармоявий муҳитдан мамнун.

— Айни пайтда компаниямиз Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги корхоналарга тўқимачилик жиҳозлари етказиб бериш ҳажмларини оширишни режалаштирмоқда, — деди Л. Коенеграхт.

«Rhenus Logistics» компанияси бошқарувчиси Вил Фермой Ўзбекистонда тараққий этган саноат тузилмаси, бой табиий захиралар ҳамда юқори малакали ишчи кучлари мавжудлиги Бельгия компанияларини мамлакатимизга жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Тақдимот сўнгида Ўзбекистон ва Ғарбий Фландрия савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Азим МУҲАМЕДЖОНОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**
Брюссель

**Фармон ва ижро**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.***

Юртимизда ушбу декларация қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтимизда ўтган "Хабеас корпус – одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқларининг муҳим кафолати" мавзуидаги халқаро конференция ҳам ушбу санага бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

# ЯШИЛ ОЛАМ ЗАВОЛ ТОПМАСИН

**Анжуман**

Очиғи, бугун атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, экологик муаммолар пилиги айтарли даража пасаймаяпти. Сабаби, у аллақачон минтақавий доиралардан чиқиб, умумбашарий тус олган. Муаммонинг салбий оқибатлари олдини олиш, борлиқ мусаффолигини таъминлаш чора-тадбирларига халқаро миқёсда эътибор қаратилаётгани шундан аслида.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қабул қилинган кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлардан ташқари, халқаро ҳужжатлар ҳам амалда. Шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Европа Иқтисодий комиссиясининг Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёти ташкилоти ана шулардан биридир.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*Жиззах политехника институтида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди.*

### Иш керакми, марҳамат!

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда уюштирилган ярмаркада «Ўзэксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «Жиззах электр тармоқлари» ОАЖ, «Жиззахавтойўл» ҳудудий шўъба корхонаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Ўзпахтасаноат»нинг вилоят ҳудудий акциядорлик бирлашмаси каби 63 та жамоа қатнашди. Институтни тамомлаётган ёш мутахассисларга улар томонидан 476 та бўш иш ўринлари таклиф этилди.

Шу куни 382 нафар битирувчи билан ишга жойлашиш ҳақида шартнома имзоланди.

**Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Пастдарғом туманида «Илк ёғду нашидаси» хусусий корхонаси фаолият кўрсата бошлади.*

### Қишлоқда ғишт корхонаси

Лойиҳа қиймати 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган мазкур корхона Хитой технологияси асосида ғишт ишлаб чиқараяпти.

Цехларда ўрнатилган замонавий ускуналар кунига 100 минг дона ғишт тайёрлаш қувватига эга.

**А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Термиз давлат университети қошида «Бунёдкор-2008» талаба-ёшлар меҳнат отряди ташкил этилди. Мазкур отряд аъзолари ёзги таътил кунлари Термиз шаҳрида ёш оилалар учун мўлжалланган иккита кўп қаватли тураржой биноси ва академик лицей қурилишида қатнашадилар.*

### Бунёдкор талабалар

— Талабалар отряди ўз сафига 300 га яқин йигит-қизни бирлаштирган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Термиз давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Баҳром Оралов. — Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигидан руҳланган фаол талабаларимиз ёзги таътилни қизғин меҳнат билан ўтказиб, воҳада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб улуш қўшишга аҳд қилдилар.

Бунёдкор ёшлар учун барча қулайликлар яратилган. Уларнинг ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун турли кўнгилочар ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

*Термиз шаҳрининг «Ўзбекистон» маҳалласида ҳар бири 32 хонадонли иккита 4 қаватли уй қурилмоқда. Бунёдкорлик ишлари «Термизтаъминот» хусусий корхонаси ва «Сурхон» ОТҲЖ қурувчилари томонидан амалга оширилаётир.*

### Оилаларга қувонч улашиб

Умумий нархи 2 миллиард 498 миллион сўм бўлган ушбу уйлар Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Айни пайтда банкдан имтиёзли кредит олаётган 64 та ёш оила уй тўйини байрам кунлари нишонлайди.

**С. МАЛИКОВ.**

### Лойиҳадан амалиётга



Қашқадарё вилоятидаги "Яккабоғтекс", "Қамаши ХБК", "Шаҳрисабзмебель", "Темучин", "Қаршимебель" каби корхоналарда замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада жорий йилнинг дастлабки беш ойида вилоятдан 174 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир рақам шарҳи**

# ЁШ ОИЛАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича ёш оилаларга **6,7** миллиард сўмлик ипотека кредити берилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган эзгу тадбир натижасида ёш оилалар янги уй-жойлар сотиб олиш ва қуриш имкониятига эга бўлдилар.

# УНИВЕРСИТЕТИМ — ФАХРИМ МЕНИНГ

***Ўзбекистон Миллий университети Ўрта Осиёдаги олий ўқув юртлари орасида ўз нуфузи билан ажралиб туради. Мамлакатимиздаги қатор таълим даргоҳлари, Республика Фанлар академияси, бир қанча илмий, маданий муассасалар ҳам унинг ирмоқларидир. Университетимизда айни пайтда 13 та факультет, 95 та кафедра, 2 та академик лицей, илмий-текшириш институти, кўплаб лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.***

Халқаро олимлар уйи ва бошқа обрўли халқаро илмий ташкилотлар аъзолигига сайланган устозларимиз борлиги бу масканнинг юксак интеллектуал салоҳиятидан дарак беради. Бинобарин, 200 га яқин фан доктори, профессорлар, 500 нафардан зиёд фан номзодлари, доцентлар биз, истиқлол ёшларига замонавий талаблар асосида сабоқ бермоқдалар. Шунингдек, Фанлар академияси олимлари, турли ташкилотларнинг етук мутахассислари ҳам ўқув жараёни самарадорлигини оширишда фаол иштирок этаяптилар. Кутубхонамиз 3 миллион нусхадан зиёд илмий, адабий-бадиий ва турли йўналишларга оид китоблар захирасига эга. Замонавий автоматлаштирилган кутубхона тизими тўласинча ўқув жараёнига татбиқ этилган.

**Дил сўзи**

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган ётоқхоналаримизга бориб қолсангиз, кўнглингиз қувонади. Ёруғ, шинам хоналар, дам олиш ва дарс қилиш учун яратилган шарт-шароит аъло даражада.



Яна бир фахримизга айланиб улгурган иншоотимиз бор. У ҳам бўлса, спорт мажмуамиздир. Мажмуа таркибидаги сув спорт саройи эса юртимиздаги энг йирик сув ҳавзаларидан бирига эга.

Университетимиз иқтидорли талабалари кўплиги билан ҳам донг таратган. Биргина мисол. 2000-2001 ўқув йилида 347 нафар талабанинг номи нуфузли стипендиялар рўйхатида қайд этилган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида уларнинг сони 693 нафардан ошди. Жорий йилнинг ўзида Шоҳруҳ Далиев, Камола Эрматова, Собиржон Ёқубов сингари тенгдошларимиз Президент стипендиясини олишга муносиб, деб топилдилар.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университетида Олий журналистика курси ташкил этилган эди. Маълумки, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс. Шундай экан, Президентимизнинг Олий журналистика курсини Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этиш хусусидаги фармони бу табаррук даргоҳга, устозларимизга ва биз, ёшларга билдирилган юксак ишонч, деб ҳисоблаймиз.

Университетимиз энг замонавий технологиялар билан таъминланган телерадиостудияга эга. У журналистика факультети талабаларининг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб боришлари учун кўмаклашади. Чунончи, телерадиостудиямизда бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳам суратга олинган.

Ғурур туйғусини туйишга арзигулик яна бир лойиҳа — "Командор". Ҳарбийларимиз ҳаётига бағишланган янги фильм шундай номланади ва у университетимиз телерадиостудияси ғоясидир. Фильмнинг сценарий муаллифи устозимиз Сайид Ходжаев. Фильм ЎзМУ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида суратга олинмоқда. Унга ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов номидаги академик лицейнинг ҳам бир қанча ўқувчилари жалб қилинган. Фильмда тинчликдек улуғ неъматни ардоқлашга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор қаратилган.

Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани ва Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани, унинг ижросига шу пайтга қадар бирор-бир ривожланаётган мамлакат ажрата олмаган маблағ — 1,5 триллион сўм ажратилиши — биз, ёшларни беҳад мамнун этди, юксак парвозларга чорлади. Қолаверса, Президентимизнинг: "Ҳеч қачон бўш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники — марра бизники" деб айтган сўзлари Ўзбекистон ёшларининг шиорига айланди.

2008 йил 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда "Мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, юртимиз илм-фани ва маданияти, замонавий таълим тизимини ривожлантириш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги беқиёс ўрни ва улкан ҳиссаси" алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ҳа, биз Ўрта Осиёда энг нуфузли ва етакчи олий ўқув даргоҳининг бахтли талабаларимиз. Шу боис унинг истиқболи учун хизмат қилиш, корига яраш, нон-тузини оқлаш — ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки бу ерда таълим олаётган ҳар бир талаба навқирон авлодга ишонган ва унинг истиқболи учун барча шарт-шароитлару имкониятларни яратиб бераётган буюк мамлакатнинг юксак довонларни забт этишга киришган фарзандларидир.

**Камола АБУЛҚОСИМОВА,**
**Шоҳсанам ХИДИРОВА,**
**ЎзМУ талабалари.**



***Кўпчилигимиз жаҳон чемпионати, қитъа миқёсидаги футбол беллашувларини интиқиб кутамиз. Чунки бу учрашувлар мароқли томоша даражасида ўтказилади. Унга дунё маҳлиё бўлади. Шу боис, футболга "миллионлар ўйини" таърифини беришган.***

# «ПАХТАКОР»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ҳозир футболимизда янгиислоҳотлар босқичи давом этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимизнинг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини ижро этиш асносида соҳага эътибор янада ортди. Жойлардаги профессионал футбол жамоаларининг моддий-техник базаси яхшиланмоқда. Оммавий ва болалар футболини ривожлантиришга эътибор кучайди. Ишқибозлар учун барча қулайликларга эга стадионлар бунёд этилмоқда. Натижада мамлакатимиз футбол жамоаларининг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган натижалари ҳам яхшиланиб бормоқда.

Бугун йўлингиз "Пахтакор" марказий стадионига тушса, бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

— Эллигинчи йилларнинг ўрталарида қурилган стадионда кўплаб тадбирлар ўтказилган, — дейди "Пахтакор" жамоаси матбуот хизмати раҳбари Мирзаҳаким Тўхтамирзаев. — Мамлакатимизнинг бош стадиони кейинги пайтда таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди. Ҳозир мажмуа замон талабларига мос равишда реконструкция қилинмоқда. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини "Детайиншоот" қўшма корхонаси, "Тошшаҳарнур" каби бир неча ташкилотлар қурувчилари олиб боришаяпти. Шу кунгача "Пахтакор" ўз бағрига 55 минг нафар ишқибозни сиғдириш имконига эга эди. Ишқибозлар ёғоч ўриндиқларда қисилиб ўтиришга мажбур бўлар эди. Эндиликда эса жаҳон андозаларига мос тарзда реконструкция қилиниб, махсус пластмасса ўриндиқлар жойлаштирилганидан сўнг эса стадиондаги беллашувларни 37 минг томошабин кузатиш имкониятига эга бўлади. Жой сонини қисқартиришдан мақсад — томошабин учун шароитни яхшилаш.



Стадионда фахрий меҳмонлар ва матбуот ходимлари учун барча қулайликларга эга алоҳида секторлар бунёд этилмоқда. Махсус секторларда матбуот ходимлари "wi-fi" интернет тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Шу жойнинг ўзида тезкор шарҳларни таҳририятларга бемалол жўнатиш мумкин. Аввалари шарҳловчилар учун 2 та махсус хона мавжуд эди. Таъмирдан сўнг махсус изоляция қилинган 4 та хона спорт шарҳловчиларига хизмат кўрсатади. Хоналарда бир вақтнинг ўзида 12 нафар шарҳловчи фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Илгари футбол баҳслари 6 та камера орқали тасвирга тушириларди. Таъмирдан кейин эса беллашувлар 20 та камера орқали тасвирга олинади. Демак, футбол кўрсатувлари сифати ҳам ўз-ўзидан яхшиланади. Халқаро футбол федерацияси — ФИФА талабларида ҳам марказий учра-

**Бунёдкорлик**

шувларни камида 12-14 камера орқали тасвирга олиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, стадиондаги эски табло ҳам алмаштирилди. Унинг ўрнига Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада учун қурилган стадионга ўрнатилган замонавий таблодан олиб келинди. Биласиз, футбол баҳслари асосан кечки пайт ўтказилади. Бунда стадиондаги ёриткичлар ҳам яхши ишлаши керак. Ҳозир стадионга ФИФА талабларига жавоб берадиган 1,200 люкс ёруғлик берадиган прожекторлар ўрнатилди. Стадион ҳудудидаги спорт курашлари зали ҳам таъмирдан чиқарилади.

"Пахтакор" марказий стадиони ҳудуди 27 гектарни ташкил этади. "Ёшлик" спорт мажмуаси ҳам стадион ҳудудида жойлашган. Ҳозир ушбу жойларда ҳам таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Хуллас, мамлакатимиз футболининг бош аренаси — "Пахтакор" янги қиёфа касб этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

## МАДАНИЯТ хабарлари

***Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат опера ва балет академик катта театрида Ўсмирлар симфоник оркестрининг анъанавий хайрия концерти бўлиб ўтди.***

### Истеъдодлар маҳорати

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ҳамда Россия маданият маркази билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбир мамлакатимизда 2008 йилнинг Ёшлар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан ташкиллаштирилди.

Концерт дастурида Халқаро оркестрлар танлови, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ва бир қанча халқаро танловлар ғолиблари Азиз Шоҳакимов, Руслан Бек, Беҳруз Неъматов, Иван Денисенко ҳамда Нилуфар Муҳиддинова ўзбек ва жаҳон мумтоз мусиқаси намоёндаларининг асарларидан намуналар ижро этишди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***«Ёшлар йили» Давлат дастурига асосан Учқудуқ туманида оммавий қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди.***

### Қўшиқлар фестивали

Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси, Учқудуқ шаҳар маданият ва спорт ҳамда халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ёш ижрочилар иштирок этишди.

Тадбир якунида ижрочилик маҳорати, саҳна маданияти, қўшиқ ва мусиқанинг жозибадорлиги инобатга олиниб, бош соврин «Современник» маданият саройининг бадиий раҳбари Зариф Жўраевга топширилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жойларда очилаётган ахборот-ресурс марказлари аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда. Бу яқинда Тошкент вилоятининг "Турон" ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтган семинарда яна бир бор эътироф этилди.***

### Китоб — офтоб

Баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг ўрни таъкидланган ушбу тадбир "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтказилди. Унда вилоят туман-шаҳарларида фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари ходимлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар соҳада эришилаётган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, АРМлар фаолиятини янада кенгайтириш лозимлигини таъкидладилар. Ёшларга тааллуқли қонунларнинг мазмун-моҳиятини уларнинг онгига чуқур сингдиришда, таътилдаги ўғил-қизларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда китоблар кўргазмалари ташкил этиш, турли мавзуларда адабий-бадиий кечалар, семинар-конференциялар ва кўрик-танловлар уюштириш мақсадга мувофиқ эканлиги уқтирилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЯНГИЛИКЛАР ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

Тошкент ва Бухородан Москва орқали қуйидаги шаҳарларга мунтазам равишда амалга ошириладиган янги рейсларни таклиф этади:

АНАПА
бир томонга 316 евро ва ундан юқори

СОЧИ
бир томонга 288 евро ва ундан юқори

СИМФЕРОПОЛЬ
бир томонга 270 евро ва ундан юқори

Тарифлар иқтисодий-мукофотли класс учун кўрсатилган, жойлар чегараланган.

Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25.
www.transaero.ru





| тариф режаси | мижоз тўлови | имтиёзли дақиқалар лимити (ойига) | Лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | Лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: тармоқ ичида | Лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | Лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: тармоқ ичида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Базовый | 8,99 / ойига | ~~240~~ 400 | 0,04 | 0,02 | 0,04 | 0 |
| Статус | 18 / ойига | ~~500~~ 800 | 0,03 | 0,01 | 0,03 | |
| Удачный | 25 / ойига | ~~1000~~ 1500 | 0,02 | | 0,02 | |
| Регион | 35 / ойига | ~~2000~~ 2500 | | | | |


ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Eclipse
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.

«Toshkent shahar telefon tarmog'i»
филиали абонентлари диққатига!
Уйингиздаги телефонингиздан 058 рақамини терган ҳолда, ўз ҳисобингизда пул маблағларининг мавжудлиги ёки «Ўзбектелеком» компаниясининг TShTT филиалидан қарздор эканлигингизни билиб олишингиз мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.15 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5 6 7